

МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ИРФОНИЙ ҚАРАШЛАРИДА ЖАМИЯТГА ЗИД ИЛЛАТЛАР ТАНҚИДИ

Қаршиев Ислон Эгамқулович

ЖДПУ ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7294565>

Ўзининг риёсиз ҳаёт тарзи, илм-амали, дунёқараши ва фалсафаси, шунингдек, таъбир жоиз бўлса, дунёни ларзага келтирган фарёди билан бутун жамият-олиму уламолар, пиру муридлар, устозу шогирдлар, шариат пешволарию дарвиш-қаландарлар, шоҳу гадо, барчанинг дунёқарашида туб бурилиш ясади. Жамиятни уйқудан уйғота олди. Ҳушёр тортган жамият уни шунчалик улуғладики, бу улуғ валийларга насиб этган мартаба эди. Миллат фарзанди унинг ғоялари таъсирида тарбияланиши муҳим шартга айлантирилди. Мадраса таълими тизимида ҳар бир ёшнинг саводи “Сабот ул-ожизин” билан чиқиши шарт қилиб қўйилди. “Сабот ул-ожизин”нинг нисбатан яқин даврга мансуб турк тилидаги нашрларидан бирида Сўфи Оллоёр “Туркистон ифтихори” дея улуғланар экан, “ота-боболаримиз томонидан Қуръони карим мутолаасидан сўнг дарс бериладиган энг машҳур китобларимиз Вафойининг “Равнақул-ислом” ва Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин” асарларидир¹ деб таъкидлангани бежиз эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Сўфи Оллоёрнинг ирфоний ғоялари бугунги куннинг ҳам энг зарурий талабларига мос эканлигини таъкидламоқ керак.

У жамият ислоҳ қилинмас экан, сохта авлиёлар нафс илинжида халқни гумроҳ этиши, кўр-кўрона сиғиниш оқибатида имон-эътиқодга путур етиши мумкин эканлигини чуқур англаб етди. Нафс, таъма, ўғирлик, товламачилик авж олган, маърифат унутилаёзган, илм-фан таназзулга юз тутган жамият тақдирига бепарво бўлиш унинг эътиқодига зид эди. Бу жирканч балонинг олди олинмаса барчани ўз домига тортиши муқаррар бўлиб, бундан қутулиш чораси кучли раҳбар етакчилигида бидъатларга қарши ёппасига кураш эълон қилиш эди.

Сўфи Оллоёрнинг ўзига хос баён услубларидан бири, у зот қайси бир масалага мурожаат қилмасин, албатта, инсонни охират ҳисоб-китобидан огоҳлантириб туради. Ҳалол яшашга, ахлоқни тузатишга, илмга амал қилишга, бидъат-хурофотдан йироқ бўлишга, хавфу ражо орасида яшашга даъват этади. Бир сўз билан айтганда оят ва ҳадис маъноларини шеърга

¹ Сўфи Аллоёр. Сўзбоши. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Техрон-Тошкент: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннахр” нашриёти, 2005. –Б. 3.

солиб китобхонга насихат қилади².

Халқнинг маърифатсизланиши ва ёт мафкуралар тузоғига тез илиниб қолишидаги асосий сабабни Сўфи Оллоёр ўзбек ва тожикларнинг ўз она тилларида анъанавий ва фикҳий масалаларни ўқиш имконияти йўқлигида деб билган. Дарҳақиқат, эътиқод масалаларига оид барча дарслик ва қўлланмалар араб тилида бўлиб, форс тилида ёзилгани ҳам мураккаб ибора ва ифода услубига эга эди. Уларни тушунишда маълум қийинчиликлар туғилар эди. Фақатгина мадраса кўрган, саводи яхши бўлган зиёлиларнинг чекланган гуруҳларигагина тушунарли эди, холос. Аммо сахро ва шаҳар жойларда истиқомат этувчи кўпчилик авом халқ бу китобий ибораларни тушуниш у ёқда турсин, ҳатто ёзув-чизувдан деярли беҳабар бўлиб, муайян қатлами фақат бошланғич маълумотга эга эди³.

Сўфи Оллоёр ирфоний асарлари содда ва халқона услубда ёзилган Ислом дини ва ақидаларига оид «Сабот ул-ојизин» алоҳида ўрин тутди. «Сабот ул-ојизин» асли форсий тилда битилган «Маслак ул-муттақийн»нинг туркий таржимасидир. «Маслак ул-муттақийн» форсий тилда бўлса-да, сўз маъноларини билган кишиларни Ҳақ таоло томон тортиб турувчи жозибага эга бўлган. Аммо даврнинг ўтиши «Маслак ул-муттақийн»ни тушунишни бир мунча мушкуллаштирди. Асар форс тилида ёзилганлиги ва бир мунча мураккаблиги туфайли туркий қавмларнинг ундаги маъноларни ўзлаштиришларини қийинлаштирди. Шунинг учун туркий қавмлар ўртасида бу асарга ўхшаш бир асар бўлса деган зарурат юзага келди.

Юқоридаги ҳолат асарни ёзишга ундаган бир сабаб бўлса, бошқа бир сабаб, Ҳазрат Сўфи Оллоёр даврларида ҳам дини Исломнинг илдизига болта урадиган бир қанча ботил оқимлар вужудга келган эди. У оқимлар ўзларини орифлар деб аташар, одамлар бизга ишонсинлар деб солих кишилар номидан гапиришар эди. Уларнинг ниятлари халқни ўзларига эргаштириш, уларни Ҳақ йўлидан адаштириш ва улар ўртасига низо уруғини сепиш бўлган. Ҳазрат Сўфи Оллоёрнинг бу асарни ёзишликдан мақсадлари бундай манфур унсурлардан динимизни тозалаш, буларга ўхшаш оқимларни тузоғига илинмасдан эҳтиёт бўлишликка чақириш, инсонлар орасида тобора авж олаётган жаҳолат, бидъат, фаҳшга эргашишлик, тарафкашлик, ҳар хил қарашларга кўр-кўрона эътиқод қилишликка ўхшаш хурофотлардан халқни огоҳлантириш, шунинг билан бирга мўъминларни сийратию суратини Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи

² Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон. Маслак ул муттақин. –Т.: Мовароуннаҳр, 2007. –Б.3-4.

³ Шўҳрат Самарқандий. Сўфи Оллоёрнинг тарихий хизмати // Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Техрон-Тошкент: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005. –Б. 63.

васаллам суннатлари ва Имоми Аъзам Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи мазҳаблари атрофида бирлаштириш ҳамда Ватан тинчлиги ва осудалигига хавф соладиган барча ташқи ёт мафкураларга қарши курашиш бўлган. «Сабот ул-ожизийн» ана шундай зарурат тақозоси билан яратилган⁴.

References:

1. Нашрга тайёрловчилар: Сайфиддин Сайфуллоҳ, Акрам Деҳқон. Маслакул муттақин. –Т.: Мовароуннаҳр, 2007.
2. Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон (ал-Фарғоний ал-Кобулий). “Ҳидоят ут-толибийн”-“Сабот ул-ожизийн” шарҳи. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва луғатлар муаллифи: Озодбек Алимов. –Т.: Тошкент ислом университети, 2009.
3. Сўфи Аллоёр. Сўзбоши. Халқаро илмий анжуман материаллари. – Техрон-Тошкент: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005.
4. Шухрат Самарқандий. Сўфи Оллоёрнинг тарихий хизмати // Сўфи Аллоҳёр. Халқаро илмий анжуман материаллари. –Техрон-Тошкент: “Ал-Худо” халқаро нашриёти, “Мовароуннаҳр” нашриёти, 2005.

⁴ Саййид Ҳабибуллоҳ ибн Саййид Яҳёхон (ал-Фарғоний ал-Кобулий). “Ҳидоят ут-толибийн”-“Сабот ул-ожизийн” шарҳи. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва луғатлар муаллифи: Озодбек Алимов. –Т.: Тошкент ислом университети, 2009. –Б. 3-4.